



Бетарафлик ҳамма
вақт ҳам
иккиланмиш эмас,
у лоқайдикка
яқин. Ҳамиятда
бетараф яшаб
булмайди

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

"Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги" эсдалик нишони таъсис этилди

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 8 ноябрдаги фармони-
га кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилин-
ганининг 30 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон Консти-
туциясининг 30 йиллиги" эсдалик нишони таъсис этилди.

Мазкур эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини
мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маъна-
вий салоҳиятини юксалтириш, муҳофаза қудратини ошириш, дав-
латимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, тинчлик ва
барқарорликни, миллатлараро дўстлик ва тотувликни асраш, Янги
Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон
ҳуқуқлари ва эркинликлари, кадр-қиммати улуғланадиган адолат-
ли фуқаролик жамиятини барпо этиш, Асосий Қонунимизнинг ҳаёти-
миздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни қонун-
га ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига
муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча соҳа вакиллари, меҳнат фаж-
рийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-
лар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

Эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси
булмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.



10-11 ноябрь кунлари Туркий давлатлар ташкилоти саммити бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Пре-
зиденти Шавкат Мирзиёев кеча
Самарқандга келди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб,
Имом Бухорий мақбарасини зиё-
рат қилди. Қуръон тиловат этилиб,
дуо ўқилди.

Президентимиз мажмуада
амалга оширилаётган бунёдкорлик
ишлари билан танишиб, масъул-
ларга зарур топшириқ ва кўрсат-
малар берди.

Шавкат Мирзиёев Ҳазрати
Хизр мажмуасида бўлиб, Биринчи
Президентимиз Ислоҳ Каримов
қабрини ҳам зиёрат қилди.

Туркий давлатлар ташкилоти
саммити доирасида кеча Самарқ-
андда бир қатор тадбирлар ўтқа-
зилди.

Жумладан, аъзо мамлакатлар
иқтисодий ва савдо вазирлари-
нинг 11-йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда кўп томонлама ва
кенг қўламли, турли муҳим йўна-
лишлар бўйича муносабатларнинг
бугунги ҳолати муҳокама қилинди,
савдо-иқтисодий, сармоявий,
транспорт ва логистика соҳасида-
ги шерикликни жадаллаштиришга
қаратилган навбатдаги тадбирлар
белгилаб олинди.

Учрашувда инвестициявий ҳам-
корлик истиқболли алоҳида кўриб
чиқилди. Йирик қўшма лойиҳа ва
ташаббусларни илгари суриш ва
амалга ошириш учун мустаҳкам
асос бўладиган Туркий давлатлар
ташкilotи Инвестиция жағмарма-
сини ташкил этиш тўғрисидаги
Битимни имзолашни тезлаштириш
бўйича келишувга эришилди.

Самарқанд яна бир нуфузли халқаро тадбир мезбони



"Марказий Осиё, Озарбайжон ва Туркия давлатлари ўртасидаги
ҳамкорлик уфқларини кенгайтириш: Ипак йўли - ЮНЕСКОнинг транс-
миллий йўналиши" мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Унда Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбеки-
стон вакиллари, миллий координаторлар ва халқаро экспертлар, хал-
қаро ташкилотлар ходимлари иштирок этди.

Саммитга тайёргарлик ва унинг доирасидаги тадбирлар ҳақида
маълумот бериш мақсадида Туркий давлатлар ташкilotи Бош ко-
мити Б.Амреев ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбо-
сари - Инвестициялар ва савдо вазири Ж.Хўжаев, шунингдек ва-
зирлик ва идоралар масъуллари иштирокида брифинглар ўтказил-
ди.

Самарқанд ва Санкт-Петербург ҳамкорлик қилади

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Фе-
дерацияси Санкт-Петербург шаҳри губернатори Алек-
сандр Беглов бошчилигидаги делегация 9 ноябрь кун
Самарқандга келди.



Вилоят ҳокимлигида делегация аъзолари
билан ўтказилган учрашувда Самарқанд
ва Санкт-Петербург ўртасидаги ҳамкорлик-
нинг бугунги ҳолати ва келгуси истиқбол-
лари муҳокама қилинди.

Эркинжон Турдимов вилоят иқтисодиёти,
унинг имкониятлари ва инвестицион жози-
бадорлиги ҳақида сўзлаб берди.

Ўз навбатида Санкт-Петербург губерна-
тори Александр Беглов ҳам томонлар ўрта-

сидаги турли соҳаларга доир ҳамкорликни
янада ривожлантириш бўйича барча имко-
ниятлар мавжудлигини таъкидлади.

Учрашув якунида 2022-2026 йилларда Са-
марқанд вилоят ҳокимлиги ва Санкт-Пете-
рбург ҳукумати ўртасида ҳамкорликни ривож-
лантириш бўйича йўл харитаси, Самарқанд
вилояти А.Пушкин номидаги Ахборот-қутуб-
хона маркази ва В.Маяковский номидаги
Санкт-Петербург шаҳар марказий кутубхона-

си ўртасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири-
лиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграция-
си агентлиги ва Халқаро меҳнат миграция-
сига кўмаклашиш ассоциацияси ўртасида
ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Меҳмонлар Самарқанд халқаро туризм
марказидаги "Боқий шаҳар" мажмуаси ва
бошқа тарихий-маданий ёдгорликлар билан
танишди.

Туркия - энг йирик сармоядоримиз

Туркия Ўзбекистоннинг муста-
қиллигини биринчилардан бўлиб
тан олган ва йиллар давомида ҳар
томонлама ишончли ҳамкор ҳамда
энг катта сармоядор бўлиб келмоқ-
да. Бу ишонч туризм, маданият,
иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, таъ-
лим, соғлиқни сақлаш ва бошқа
соҳаларда кўзга ташланади.
Кейинги йилларда бу икки халқ
ўртасида иқтисодий лойиҳалар
биргаликда амалга оширилиб, юр-
тимизда турк тадбиркорлари сар-
моясида янги корхоналар ишга ту-
ширилмоқда.

Хусусан, вилоятимизда Туркия
компанияларининг капитали ишти-
рокида 68 та қўшма корхона ҳамда
47 та хорижий корхона фаолият
юртмоқда.

2021 йилда 27 та инвестиция
лойиҳасини амалга ошириш дои-
расида Туркиядан 33,9 миллион
доллар хорижий инвестиция ўзлаш-
тирилди.

Жорий йил давлат инвестиция
дастурига мувофиқ, вилоятда Тур-
кия давлати билан ҳамкорликда 6
та янги инвестиция лойиҳаси
амалга оширилмоқда.

2022 йил январь-октябрь ойлари-
да Туркия давлатидан жами 12,1
миллион доллар хорижий инвести-
ция маблағи ўзлаштирилди.

Хусусан, Урганч туманида гигиен-
ник воситалар ишлаб чиқаришни
ташкिल этиш лойиҳаси доирасида
3,4 миллион доллар сармоя жалб
этилди.

Жорий йил бошидан буён Тур-
кия давлати билан товар айлан-
маси 242,5 миллион долларни таш-
кил этиб, шундан 190 миллион дол-
лар импорт ҳамда 52,5 миллион
доллар экспорт амалга оширилди.

Венгрия - ишончли шерик

2020-2021 йилларда вилояти-
миз ҳамда Венгрия давлати ўрта-
сида товар айланмаси салкам 19
миллион долларни ташкил этди.
Жумладан, экспорт 180,3 миң
доллар ва импорт 18,8 миллион
доллар бўлди.

Жорий йилнинг январь-октябрь
ойларида Венгриядан 15,7 милли-
он долларлик маҳсулот ва техно-
логиялар импорт қилинган ҳамда

0,2 миллион долларлик экспорт
амалга оширилди.

Вилоятимиз ҳамда Венгрия ўрта-
сида савдо-иқтисодий ва инвестици-
он ҳамкорликни ривожлантириш мақ-
садида икки томонлама битимлар
имзоланган. Эришилган келишувлар-
ни тўлиқ ҳажда амалга оширишни
таъминлаш мақсадида жорий йилнинг
29 сентябрь - 4 октябрь кунлари ви-
лоят расмийлари ҳамда тадбиркор-

лик субъектлари Венгриядан бўлди.
Ташриф давомида Венгрия билан
ҳамкорликда Самарқанд вилоятида
қиймати 8,5 миллион долларлик
"Қизилмаи илдизини қайта ишлаш"
лойиҳасини амалга ошириш бўйича
келишув ҳамда 2 миллион долларлик
савдо шартномалари тузилди.

**Вилоят инвестициялар ва
ташқи савдо бошқармаси
ахборот хизмати.**

"Кўздан пана мактаб"

Олис ҳудуддаги таълим даргоҳида этак билан яширилаётган муаммолар хусусида

Ўтган ҳафта туманларга сафаримиздан энг оғир биз учун че-
ка ҳудуддаги мактаб бўлди. Чунки шаҳар ёки туман марказлари-
даги мактаблар билан чекка ҳудудлардаги мактаблар орасида бун-
чалик тафовут кутмаган эдик. Ишонаверинг, гап фақат шароит ёки
мактаб биносидан эмас экан, назаримизда айрим ҳудудларда шун-
чаки муаммога кўз юмиш ҳолатлари ҳам мавжуд.



Каттакўрғон туманининг энг олис - Диринг қишлоғи-
да жойлашган 45-мактаб ўқувчилари унлаб фанлардан
дарслик олмасдан, биринчи чоракни якунлади. Ўқувчи-
чи ва ўқувчилар, мактаб кутубхоначиси билан суҳбати-
мизда билдикки, 10-синфда фақат иккита фандан дарс-
ликлар келган, қолган синфларда ҳам қатор фанлар бўйи-
ча ҳали дарсликлардан дарак йўқ. Кутубхоначи ҳар ҳафта
дарслик сўраб туман марказига бориб келиши маълум
бўлди.

Мактаб раҳбарияти эса дастлабки суҳбатимизда
фақат битта фандан дарслик келмагани, бу борада бо-
шқа муаммо йўқ эканини айтгани бизни ҳайрон қол-
дирди. Аслида мактаб раҳбарияти "Ўқувчиларим ҳали
ҳам дарсликсиз қолмоқда", деб жигибийрон бўлиши ке-
рак эмасми?

Иситиш тизими бўйича туман халқ таълими бўлими-
нинг муносабати ҳам мактаб раҳбарияти билан қолиш-
маслиги маълум бўлди. Биласиз, бу йил октябрь ойи-
даёқ ҳаво ҳарорати сезиларли пасайди. Шу сабабли
Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда вилоят ҳокими-
нинг 24 октябрдаги "Вилоят ҳудудида ижтимоий соҳа
объектлари ҳамда тураржой биноларида иситиш мавсу-
мини бошлаш тўғрисида"ги фармойиши асосида ижти-
моий соҳа объектлари ҳамда тураржой биноларида иси-
тиш мавсуми 24 октябрдан бошланган.

(Давоми 3-саҳифада).

►► 11 ноябрь - Ўзбекистон касаба уюшмалари куни

Мақсадларга биргаликда эришамиз

Юртимизда "Инсон қадрини учун!" та-
момий асосида олиб борилаётган кенг
қўламли ислохотлар, халқимиз учун
муносиб турмуш шароити яратиш бо-
расидаги ишларда касаба уюшмалари
ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ишчи-ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини иж-
тимоий муҳофаза қилиш, тиббий-ҳуқуқий ёрдам кўрсати-
тиш ва қўллаб-қувватлашдек мақсадларни кўзлаган
ташкilot фаолияти кейинги йилларда анча такомил-
лашди, ишлар қўлами кенгайди.

(Давоми 2-саҳифада).



Туркий давлатлар ташкилоти қандай шаклланган, қандай ривожланыпти?



2022 йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти саммити бўлиб ўтди.

Ташкилот 2009 йил 3 октябрда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимига мувофиқ ташкил этилган. Унинг шаклланиши ва ривожланиш жараёни шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин. Шаклланишнинг биринчи босқичи СССР қулаши ва 1992 йилда Анкарада бўлиб ўтган туркий тилли давлатлар раҳбарларининг Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Туркия ва Ўзбекистон президентлари иштирок этган саммитидан сўнг бошланди.

Кейинчалик президентларнинг бундай учрашувлари 1994, 2001 ва 2010 йилларда Истанбул, 1995 йилда Бишкек, 1996 йилда Тошкент, 1998 йилда Остона, 2000 йилда Боку, 2006 йилда Анталия шаҳарларида бўлиб ўтди.

Иккинчи босқич ҳамкорлик механизмининг ҳуқуқий асосларини расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлди. 2009 йилда Нахичевонда туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши ташкил этилди. Кейинги йилларда тармоқлар ҳамкорлигини институционаллаштириш, Туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси каби шериклик платформаларини яратиш жараёни бўлиб ўтди. Бу босқич Ўзбекистоннинг тўлақонли аъзо бўлиб кириши тўғрисидаги кенгайиши билан аяқланди.

2021 йил ноябрь ойида Истанбулда тарихий саммитнинг ўтказилиши билан "туркий оила" учун учинчи босқич бошланди. Аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатлар яқин ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг янги даврига кирди. Саммит давомида туркий давлатлар президентлари Туркий Кенгаш номини Туркий давлатлар ташкилоти деб ўзгартиришга қарор қилдилар. Бу унинг ҳақиқий салоҳиятини рўйбга чиқаришга, аҳамиятини оширишга ва халқро ҳамжамиятдаги ролини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Ташкилотнинг раислиги Озарбайжондан Туркияга ўтди.

Алоҳида эътироф этиш ўринлики, 2018 йил 3 сентябрда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Жўлпон-Ота шаҳрида ўтказилган саммитда фахрий меҳмон сифатида иштироки бу борадаги тарихий қадам бўлди.

Ўзбекистон ушбу ташкилотга 2019 йилнинг октябр ойида аъзо бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев саммитдаги нутқида "Мамлакатларимиз долзарб халқро ва минтақавий масалаларда ўзаро мо ёки яқин қараш ва ёндашувларга амал қилиб келмоқда. Айни вақтда халқларимизнинг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берадиган иқтисодий, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан ва таълим каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда", деб алоҳида таъкидлади.

Ҳозирда ушбу тузилмага Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Ўзбекистон аъзо. Венгрия кузатувчи мақомида иштирок этса, бетараф давлат Туркманистон доимий меҳмон сифатида таклиф этилган.

Бошқа минтақавий ташкилотлардан фарқли ўлароқ, кузатувчилар Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятида иштирок этиш учун кенроқ ваколатларга эга. Улар эксперт йиғилишларидан тортиб, давлат раҳбарларининг саммитларига қадар ўзаро ҳамкор-

ликнинг деярли барча форматларида иштирок этади. Кузатувчи фақат ташкилотнинг қарор қабул қилишида, яъни овоз беришда қатнашмайди.

2021 йилнинг 13 ноябрь кунли Туркиянинг Истанбул саммитида ташкилот номи Туркий давлатлар ташкилоти, дея қайта номланган. Саммитда давлат раҳбарлари 10 дан ортқ хужжат - саммитнинг ақуний декларацияси, "Туркий дунё нигоҳи - 2040" дастурий ҳужжати ва кун тартибига киритилган бошқа қарорларни имзолаган.

Ташкилот транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликини ривожлантиришга устувор аҳамият беради. Мамлакатларнинг транспорт ўзаро боғлиқлигини таъминлаш барча саяё-ҳаракатларнинг марказида туради. Шу нуқтаи назардан, Транс-Каспий халқро йўлагини Шарқ ва Фарб ўртасидаги энг қисқа, хавфсиз ва рақобатбардор транспорт алоқасига айлантириш масаласи алоҳида аҳамиятга эга.

Истанбул саммитида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммитини Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қилди.

Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши товарлар, капиталлар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланишини изчил рўйбга чиқариш, молия ва банк операцияларини соддалаштириш мақсадида савдо-сотик ва инвестициялар учун кулай шарт-шароит яратишга, божхона ва транзит тартиб-таомилларини янада соддалаштиришга хизмат қилди.

Жорий йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган саммит Туркий давлатлар ташкилотининг илк йиғилиши сифатида тарихда қолади.

Қайд этиш лозимки, ташкилотга аъзо мамлакатлар муҳим инсон капиталига эга. Уларнинг аҳолиси тахминан 150 миллион кишини ташкил қилади. Аҳолисининг ўсиши ўртача 2,1-2,4 фоизни ташкил этгани ҳисобидан 2030 йилга бориб, ташкилотнинг аъзо мамлакатлари аҳолиси 180 миллион кишига етиши башорат қилинмоқда.

Шу билан бирга, туркий давлатлар ташкилоти иқтисодий тарафдан жадвал суръатларда ривожланмоқда. Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар йиллик ўсиш суръати ўртача 6-9 фоизни ташкил этмоқда ва Осиё ялпи ички маҳсулотининг 5,5 фоизига тенг.

Умуман олганда, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг асосий мавзуси ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, савдо, инвестиция, яшил иқтисодиёт, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникация, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини қамраб олади.

Бугунги кунга қадар 15 га яқин мамлакат Туркий давлатлар ташкилоти билан ҳамкорликнинг турли форматларини ўрнатиш истагини билдирган. Бу ташкилот обрўсининг ва халқро нуфузининг тобора ўсиб бораётганини кўрсатади.

Рустам ҲАСАНОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

(Давоми. Бошланиш 1-саҳи-фада)

Энг аввало, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масалаларда Олий Мажлис палаталарининг тегишли кўмиталари, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги кучайди. 2019 йилда "Касаба уюшмалари тўғрисида" - ги Қонун қабул қилинди. Тизимда илгари мавжуд бўлган инспекциялар фаолияти яна тикланди. 2020 йил 23 ноябрдаги қонун билан "11 ноябрь - Ўзбекистон касаба уюшмалари кунин" деб белгиланди.

Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ҳамда уларнинг оила аъзоларини бош келишув, тармоқлар микёсида қабул қилинадиган тармоқ ва таъриф келишувлари, вилоят микёсида тузиладиган уч томонлама келишув ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларда иш бевувчилар ва касаба уюшма ташкилотлари ўртасида тузиладиган жамоа шартномалари орқали ҳимоя қилади.

Шунингдек, касаба уюшмаси аралашуви билан иш бевувчилар томонидан ишчи-ҳодимларга муносив меҳнат шароитлари яратиш, уларнинг дам олишини ташкил этиш, байрам тадбирлари ҳамда саёхатлар уюштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

"Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" Давлат дастури ижроси юзасидан вилоят бандлик бошқармаси ҳамда унинг туман, шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликда жойларда бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилиб, бу тадбирларга ишсиз фуқаролар жалб этилди. Кор-

Мақсадларга биргаликда эришамиз

хона, ташкилот ва муассасалар томонидан яратилган квота ва бўш иш ўринлари, бу жойларга ишсиз фуқароларнинг қабул қилиниши мониторинг қилиб борилмоқда. Шунингдек, ҳодимлар меҳнат муҳофазасига ҳам алоҳида этибор қаратилмоқда. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида иш бевувчиларга кўйилган талаблар бўйича жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Бу каби тадбирлар жараёнида 25 та корхонага амалий ёрдам кўрсатилди.

Ҳар йилги аънонага кўра, 28 апрель - Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини муносабати билан корхона ва ташкилотларда учрашувлар ташкил этилиб, меҳнатни муҳофаза қилишда иш бевувчилар, ҳодимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бунда касаба уюшмаларининг тугган ўрни тушунтирилди.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вилоятимиздаги ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларнинг бажарилиши ва янги жамоа шартномаларини қабул қилиш юзасидан йиғилишлар, учрашувлар мунтазам ўтказилмоқда. Савдо-саноат палатаси,

вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан тузилган келишувнинг муҳофазаси бўлиб ўтди. Халқро меҳнат ташкилоти вакиллари билан пахта йиғим-терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан миллий мониторинг ташкил этилди.

Касаба уюшмалари фаолиятининг йўналишлари бўйича асосий ишлар бошланғич ташкилотларда амалга оширилиши инobatга олиниб, уларнинг молиявий имкониятларини кучайтиришга қаратилган чораларни белгилаб олиш, бошланғич ташкилотларга эътиборни янада кучайтириш мақсадида йиғилган аъзолик бадалларининг асосий қисми, яъни 60-70 фоизи уларнинг ихтиёрида қолдирилмоқда.

Кейинги пайтда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан турли соҳалар вакиллари учун танловлар ўтказиш аънонага айланди. Хусусан, "Аёллар дафтари" тизими бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишларда барчага ўрнак бўлаётган, аёлларнинг муаммо ва муурожаатлари ҳал этилишига салмоқли ҳисса қўлаётган масъул ҳодимларни рағбатлантириш мақсадида танлов эълон қилинган. Унда "Энг яхши

маҳалла раиси", "Энг яхши сектор раҳбари", "Энг намунали иш бевувчи аёл", "Энг яхши ҳоким ёрдамчиси", "Энг яхши хотин-қизлар фаоли" ва "Энг яхши ёшлар етакчиси" йўналишлари бўйича фаоллар рағбатлантирилмоқда. Вилоятимиздан ҳам ушбу танловда фаол қатнашиб, республика микёсида эътироф этилаётган вакиллариимиз борлиги қувонarliдир. Эртага - Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини муносабати билан танлов ғолиблари пойтахтимизда тақдирланиб, уларга Президент совғаси - автомобиль, шунингдек, пул мукофотлари ва совғалар тантанали топширилади.

Бир сўз билан айтганда, бугун касаба уюшмалари жамиятда инсон қадрини улуғлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида фаол иш олиб бормоқда, ҳимоят муносабатларида барқарорликка эришиш йўлида изланмоқда. Бу мақсадларга эришишда эса барчамиз ҳамжиҳат бўлсак, ҳар биримиз ўз жойимизда астойдил меҳнат қилсак, албатта, халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Сўҳроб РАФИҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси вилоят кенгаши раиси.

Моддий ва маънавий кўмақдошимиз

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вилоятдаги 48310 ташкилот фаолияти таҳлил қилиниб, ташкилот ва муассасаларда бошланғич касаба уюшма ташкилотларини ташкил этиш бўйича иш олиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 65 та нодавлат ташкилоти софийга қабул қилиниб, касаба уюшма аъзолари сони 3397 кишига кенгайди.

"Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" Давлат дастури ижроси юзасидан 45 та корхона ва ташкилотда ишлаб, пенсияга чиқаётган 47 нафар ходимга иш бевувчи маблағлари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам бериш ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш учун 17 миллион 296 минг сўм сарфланди.

Юбилей саналарини нишонлаётган 47 нафар ходимга 14 миллион сўм ва тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тармоқ ҳодимлари касаба уюшмалари вилоятимиздаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга ҳам ҳисса қўшмоқда. Жумладан, бола парварши таътилида бўлган ёш оналарнинг 53 нафарига 24 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган ва бовувчисини йўқотган оилаларнинг 417 нафар фарзандларининг ўқув қуроллари ва дарсликлари учун 57 миллион сўм маблағ ажратилди. 18 та нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда болали аёлларнинг 23 нафарига ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиغان қилиб белгиланди. 261 та

корхонанин 319 нафар ёш оила вакилларига 98 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Тармоқ касаба уюшмаси ташаббуси билан янги ўқув йили бошланиши билан 8 та корхонада меҳнат қилаётган ишчи-ҳизматчиларнинг олий ўқув юртига кирган 10 нафар талаба фарзандларининг 60 миллион сўмлик шартнома пуллари қисман тўлаб берилди. 19 нафар ёш оилага янги уй-жой олиш ва бошқа мақсадлар учун физсиз маблағлар ажратилди. Шунингдек, 10 та корхонада меҳнат қилувчи 11 нафар ишчи-ҳодимнинг фарзанди сафарбарлик қақруви резервидаги ҳарбий хизматга қақририлиши муносабати билан 34,4 миллион сўмлик физсиз маблағ тўлаб берилди.

Феруза ҚИЛИЧОВА,
Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси.

Тадбиркорга ҳоким номидан сохта қарор чиқариб берди

Сохталик кўпчилиқда учрайдиган иллатдир, аммо сохта хужжат тайёрлаш ва ундан фойдаланиш жиноят ҳисобланади. Афсуски, самарқандлик О.И.да буларнинг ҳар иккиси бор экан. Муқаддам сохта хужжат тайёрлагани учун белгиланган жазони ўтаётган "хожатбарор"нинг яна бир қилиши ошор бўлди. Бу га у ҳоким номидан "қарор" чиқарибди.

Айни жиноятни амалга ошириш учун у жиноий шериги билан олдин-

дан тил бириктириб, тадбиркорлик билан шуғулланувчи С.И.нинг ишончига қиради ҳамда унга маший хизмат кўрсатиш ва офис биносидан иборат 5 қаватли бино қуриш учун Самарқанд шаҳар ҳокимининг қарорини чиқариб беришда кўмаклашишини айтади. Лекин бу иш харажати сўз бўлмаслиги, қамида 70 минг АҚШ доллари кетишини эслатиши ҳам унутмади.

Орадан вақт ўтди, ўзига тегадиган пулнинг 49 минг АҚШ долларини олиб улгурган О.И. С.И.нинг қис-

товларидан безор бўлиб, унга шаҳар ҳокимининг 2018 йил 12 декабрь кундаги 2407-Қ-сонли қарорини сохта талаштириб беради. Аммо хужжатнинг фуқаро С.И.га кўп қаватли бино қуриш учун рўхсат берган янги талқини на қурилиш бўлимида ва на ҳокимликнинг ўзида рўйхатдан ўткарилган бўлиб чиқди. Адлия вазирлиги ҳузурдаги Х.Сулаймонова номдаги Республика Суд экспертизаси марказининг вилоят бўлими томонидан берилган судга оид техника экспертизаси хулосасида

ҳам қарордаги ҳоким имзоси нусха кўчириш йўли билан олинганлиги келтирилган.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд тумани судида қўриб чиқилган ишда О.И.нинг барча қилмишлари исботини топди. Суд унга олдинги жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўиш йўли билан қўил-қўил ўташ учун 7 йилу 10 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Аминжон БОЙМАТОВ,
вилоят прокурори ёрдамчиси.

Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланган. Озиқ-овқат хавфсизлиги кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий, демографик ва экологик омилларга боғлиқ бўлиб, мамлакат ривожланишининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири халқнинг турмуш даражасини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экологик тоза маҳсулотлар етиштириш бўлса, бунда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш асосий манба ҳисобланади.

Аҳолининг кўпайиши, ер, сув ва энергия ресурсларига бўлган талабининг ортиши, шунингдек, иқлимнинг кескин ўзгариши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга таъсир этувчи асосий омиллардир. Кейинги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон глобал рейтингларда ўз мавқеини яхшилаб олди. Ўзбекистон 2018 йилда Глобал очлик индекси бўйича 119 мамлакат орасида 52-ўринни эгаллаб, 12,1 кўрсаткич билан "муътадил" даражага эришди. Бироқ аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти барқарорлигига эришиш, кам даромадли оилаларнинг харид қобилиятини ошириш, маҳсулотлар нархи ва микдори кескин ўзгаришининг олдини олиш ҳал этилиши зарур

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш - асосий масала

бўлган муаммолардан ҳисобланади. Ушбу муаммоларнинг ечими борасида вилоятимизда ҳам қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик соҳасида, пахта, ғалла, полиз-сабзавот экинлари етиштириш ҳамда халқни арзон ва экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун экин майдонларига сифатли ишлов бериш, тупроқ унмдорлигини ошириш, ерларни ўғитлаш тизими, ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш борасида кенг миқёсда ишлар олиб боришмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва юқори ҳосилдорликка эришиш учун экинларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш зарур.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 15 июлда "Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида" ги қарори қабул қилинди. Ушбу хужжатлар билан ўсимликлар карантини ва ҳимояси хизматлари ягона агентликка биравлаштирилди. Бу агентликнинг ҳудудлардаги бошқарма ва бўлимлари ишида ҳам ўз аксини топди.

Вилоятимизда 2021 йил сентябрдан 2022 йилнинг август ойигача жойлардаги

агроном энтомологлар томонидан ғалла, ғўза, полиз-сабзавот майдонлари, бог-тоқзорлар ҳамда иссиқхоналарда кузатув назорат ишлари ўтказилди.

Ҳозир вилоят туманларида 32 та биологатория ишланмоқда. Уларда қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши қўлланиладиган трихोगрама, бракон ва оптикўз каби биологик маҳсулотлар тайёрланади. Жумладан, 2022 йилда ғўза майдонларида шира-трипсларга қарши биологик ишловлар ўтказилди. Ғўза майдонларида кўсак қурти капалаги тарқалиши ва ривожланишини назорат қилиш учун 75,3 минг дон феромон тупқичлар ўрнатилди.

Вилоятда 2023 йил мавсуми учун дон етиштиришда ғалланиннг қаттиқ ва чанг қорақуя, илдиз чириши каби хавфли касалликлар ҳамда зараркунандалар билан зарарланишининг олдини олиш учун агроном-энтомологлар назоратида 29,1 тонна урулгик дон дориланди.

Президентимиз раслигида жорий йил 5 сентябрь кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги топшириқлар асосида барча туманларда агентлик ҳодимлари ва соҳа олимларини жалб этган ҳолда кўргазмали семинарлар ўтказилди.

Вилоятимизда биологаториялар ишини янада яхшилаш, уларнинг иш унуми ва шароитларини юқори даражага

кўтариш, биологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш зарур. Биологаториялар ишини яхшилаш ҳамда ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан самарали ҳимоя қилиш учун биринчи навбатда юқори маалали, билимли кадрларга эҳтиёж сезилади. Ҳозир вилоятимизда 2 та олий таълим муассасаси, яъни Тошкент давлат аграр университетини Самарқанд филиали ҳамда Самарқанд давлат университети қошидаги Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институтида ўсимликлар карантини ва ҳимояси йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қишлоқ хўжалик илминини юқори даражага кўтариш ва соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш лозим. Бу масалага Президент фармонида алоҳида эътибор қаратилган. Ҳақиқатан ҳам илмий-тадқиқот, таълим ва ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатишни ўзаро боғлайдиган қишлоқ хўжалигига оид билим ва ахборотларни тарқатиш бўйича самарали тизимнинг йўқлиги соҳани илмий асосда ривожлантиришдаги энг жиғдий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирда илмий-тадқиқотлар учун давлат инвестициялари даражаси қишлоқ хўжалиги умумий бюджетининг 0,2 фоизини ташкил этади. Илм-фан ва бош-



чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг самарали механизми мавжуд эмаслиги давлат томонидан молиялаштирилган илмий-тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий қилишни сезиларли даражада чеқламоқда. Фармонга асосан, ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тасарруфига ўтказилган ва ҳозир ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти деб аталади. Шу билан бирга, илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд минтақавий филиали ҳам ташкил қилиниб, унда соҳага оид илмий даражали мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган.

Ҳозир вилоятимизда ҳам "Ўсимлик-

лар клиникалари" ташкил қилинган. Улар деҳқон ва фермер хўжалиқларининг экин майдонларидаги, шахсий томорқа хўжалиқларидаги экинларнинг зараркунанда ва касалликлари тўғрисида аниқ маълумотлар бериб, уларни бартараф қилиш юзасидан маслаҳатлар бериб бормоқда.

А.БОБОҚУЛОВ,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси вилоят бошқармаси бошлиғи.
Б.ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти Самарқанд минтақавий филиали директори,
биологик фанлари номзоди,
доцент.

"Кўздан пана мактаб"

Олис ҳудуддаги таълим даргоҳида этак билан яшириладиган муаммолар хусусида

(Давоми. Боши 1-саҳифада).
Худди шу ҳужжатлар вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан маълумот учун қабул қилинган ва барча туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирларига таълим муассасаларида 24 октябрдан бошлаб иситиш тизимларини ишга тушириш чораларини кўриш ҳақида бошқарманинг буйруғи чиқарилган. Аммо 1 ноябрда ҳам болалар совуқ хоналарда дарсда ўтирганига гувоҳ бўлдик. Мактаб директори "Хали тумандан буйруқ бўлмади", деса ва туман ХТБ мактаблар бўлими раҳбаридан "Иситиш тизими туман бўйича 15 ноябрдан бошланади", деган жавоб олдик. Мактаб раҳбарияти ва Каттакўрғон туман ХТБ вакиллари очиқ савол бермоқчимиз: 15 ноябргача ўз уйингизни иситмай кута оласизми? Ҳукумат

қарори ва вилоят ҳокими фармойиши Каттакўрғондаги мактабларга алоқадор эмасми?
Иккинчи томондан, "Хали сезон бошланмади", деган гап ҳам асосий муаммони яширишга ўхшади. Чунки мактаб қозонхонасини кўздан кечирарканмиз, иситиш қозонининг ўзи таъмирталаб ва яроқсиз эканига гувоҳ бўлдик. Вилоят бўйича ижтимоий соҳа объектларида аллақачон иситиш мавсуми бошлангани ҳолда бу мактабда қозонхонанинг таъмирталаб эканига туман ХТБдан бир ҳафтадирки, изоҳ қутамиз.
Яна дарсликлар масаласига қайтсак. Дарсликлар масаласи афсуски, фақатгина Каттакўрғондаги мактаб билан боғлиқ эмас. Афтидан, хали ҳам дарсликлар масаласи республиканинг қатор ҳудудларида муаммо бўлиб турибди.

Халқ таълими вазирининг ўринбосари имзоси билан вилоятлар ХТБ бошқарма бошлиқларига юборилган қўйидаги хат мазмунига эътибор беринг:



Мазкур хатдан англашиладики, бир қатор синфлар учун янгиланган дарсликлар йил охиригача мактабларга етказилиши белгиланган. "Шунга қарамай, октябрь ойи охиригача қатор мактаблар дарсликлар билан тўлиқ таъминланади", дея хатда айtilган бўлса-да, 1 ноябрь ҳолатида юқоридagi ҳолат - қатор фанлардан дарсликлар келмаганига гувоҳ бўлдик.
Тўғри, юқоридagi хатда ўқувчиларга мактаб кутубхонасида бор дарсликлардан комплекларни шакллантириш айtilган. Аммо ўқитувчилар дарс ўтиш учун аллақачон янги режа олгани ва шу асос-

да дарс ўтишга мажбур эканини айтмоқда. Ҳолат шунки, ўқув режа янги дарсликлар бўйича ўқитувчиларга келган, дарсликлар эса йўқ.
Кейинги муаммо ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи билан боғлиқ. Мазкур мактабда яқунланганига қарамасдан хали сентябрь ойлик маошини тўлиқ олмаган ўқитувчилар бор экан. Бунинг сабабини хали "тарификация" бўлмагани билан изоҳлашди. Кўпчилик ўқитувчиларга ўтган йилги ойлигига қараб, тахминан маош бериб турилган бўлса, шу йил ишга келган ўқитувчилар мана, учинчи ой бошландики, арзимаган "аванс" билан чекланмоқда.

Умуман, қатор ва қатор муаммолар борлиги учун ҳам мазкур мактаб "қизил" рўйхатда турибди. Кўплаб йўналишларда муассаса анча орқадан қолганиги сабабли тегишли дастур асосида, юқори маош (10 миллион сўмдан кам эмас) ва қатор имтиёзлар билан мактабга Андижон вилоятидан икки нафар олий тоифали ўқитувчилар жалб этилган. Биз ана шу ўқитувчилар таърибаси қандай натижа бераётганига қизиқдик. Афсуски, хали кузги таътил бошланганига уч кун қолганида улар ҳам жавоб олиб, водийга кетган экан. На кулишни биласан ва на йиғлашни. Майли, эҳтимол, бирор жиддий сабаб билан кетишгандир. Ўқитувчиларга жабр қилмоқчи эмасмиз. Аммо битта мактабда бунчалик муаммоларнинг тўпланиб қолиши баъриб одамда чекка мактабларга нисбатан хавотир уйғотди.
Сафар чоғида мазкур мактаб жойлашган олис Диринг қишлоғи ҳаёти билан ҳам қизиқдик. Каттакўрғон тумани марказидан 52 километр масофада жойлашган, уч томондан Нуробод тумани адирлари

билан туташган бу қишлоқда аҳоли асосан чорвачилик билан шуғулланаркан. Айтишларича, бу йил баҳорда ёмғир яхши ёққани учун қишлоқ аҳоли қийинчилик кўрмаган. Ёмғир яхши ёққан йиллари чорвага баракка кириб, ҳатто баъзи вақтларда адирлардан захира емиш ҳам йиғиштириб олинаркан. Қуруқ келган йилларда эса қишлоқ аҳоли кайфияти шунга яраша бўларкан. Худудда асосий муаммо шу вақтгача ичимлик суви масаласи бўлиб келган. Аҳоли бахтига бу йил сув иншооти қурилиши бошланибди. Кўпчилик иншоот тезроқ ишга тушишни кутиб турибди.
Қишлоқда одамлар фарзандининг таълим-тарбиясига бефарқ эмас, биз билан суҳбатлашган бир неча киши фарзанди мактабда яхши ўқиб, олийгоҳга киришдан умидвор эканини айтди. Албатта, ўқисин, шундай бўлсин. Мактабдаги муаммолар эса тезроқ барҳам топсин, деб умид қиламиз.
Анвар МУСТАФОҚУЛОВ,
Аскар БАРОТОВ,
"Зарафшон" мухбирлари.

РЕКЛАМА, E'ONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tekzor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ



касаба уюшмалари ходимлари ва соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларини

11 ноябрь – КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ
13 ноябрь – ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

билан самимий табриклайди.
Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилаётган ҳамда беморлар дардига нафакат дори-дармон, балки ширин сўзи, қайноқ меҳри билан малҳам бўлаётган сиздек жонқуяр инсонлар фаолиятига улкан зафарлар, мустаҳкам соғлиқ ва оилавий бахт тилаймиз.



Ҳамиша халқимиз ардоғида бўлинг, азиз ҳамкасблар!

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолитдин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Балкаев Борис Петровичга (2013 йил 21 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолитдин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Паст Даргом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳақимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасида марҳум Шукурова Марзияга (2014 йил 12 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳақимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Паст Даргом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси.

Паст Даргом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳақимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасида марҳум Хамдамга (2021 йил 5 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳақимова Игора Ҳикматовна

нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Паст Даргом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасида марҳум Кабиллова Халимага (2017 йил 17 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Паст Даргом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳамидов Норбек Комил ўғли нотариал идорасида марҳум Одилова Гулчирага (2019 йил 20 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳамидов Норбек Комил ўғли нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Паст Даргом тумани Жума шаҳарчаси, Амир Темур кўчаси, 48-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Мирмухамедов Ко-

билжонга (2020 йил 29 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Раббимов Раҳим Сунатовичга (2019 йил 22 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Усарова Мубарага (2021 йил 18 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Жомбой тумани Зебунисо кўчаси, 4-“А” уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасида марҳум Мухаммадиев Юлдош Пардабоевичга (2021 йил 23 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 76-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасида марҳум Нуриддинов Камолитдинга (1997 йил 31 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Ургут туманидаги "НАМДАМОВ" фермер хўжалигининг (СТИР: 202147878) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейидан 2013 йилда Абдуваҳидов Дил-

шод Нарботирович номига берилган рўйхат рақами 0965, L № 172653 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд темирйўл транспорти касб-хунар коллежидан 2019 йилда Аҳмадзонов Улмас Раҳматович номига берилган рўйхат рақами 109, K № 5554976 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд темирйўл транспорти касб-хунар коллежидан 2020 йилда Анорбоев Нодирбек Улғабоевич номига берилган рўйхат рақами 310, K № 5896034 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут тиббиёт коллежидан 2013 йилда Облокулова Уғилой Ботир қизи номига берилган рўйхат рақами 4154, K № 2962244 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

КВАРТИРА СОТИЛАДИ!
Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчасидаги янги қурилган кўп қаватли уйлардан 2-қаватда жойлашган квартира (140 м.кв.) зудлик билан сотилади.
Мўлжал: Самарқанд вилоят кардиология диспансери рўпараси.
Мурожаат учун телефон: +99891-552-64-64.

Саломатлик ва интеллектга эътиборсизлигимиз - ўзимизга душманлигимиз

Хар бир одамнинг саломатлиги аввало, ўзига керак, қолаверса, оиласи учун муҳим. Саломатлигимизга бепарқ бўлиб, касал бўлсак, "Шифокорлар бор-ку", деган кўника билан яшаш ўзимизга ўзимизнинг душманлигимиздир. Чунки хасталик бебаҳо вақтимиз, топган маблағларимизнинг бесамар сарфланишига олиб келади. Агар касалликнинг асорати қолса-чи? Хотиржам яшай олмайсиз, ишингизда самара бўлмайди.



Яқинда Тошкент шаҳрида Давлат статистика кўмитаси ҳамда БМТ Халқаро болалар жамағатлари (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Мультииндикатор кластер кузатувлари" дастурининг дастлабки натижалари бўйича тақдирот ўтказилди.

Мазкур дастур ЮНИСЕФ томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уй ҳужаликлари билан танланма кузатувлар асосида ишлайди, болалар ва аёллар ҳолатини тадқиқ қилиб, халқаро даражада таққослаб боради. 1995 йилдан бундан амалга ошириб келинаётган ушбу дастур асосида ҳозиргача дунёнинг 118 та давлатида тадқиқот ўтказилган, жумладан, Ўзбекистонда ҳам. Кузатувларда она ва бола соғлиги, аёлларнинг репродуктив саломатлиги, болалар ҳуқуқлари ва уларнинг таълим олиш даражаси, соғлом ва жисмоний ривожланиши каби муҳим статистик кўрсаткичлари жамланиб, тегишли хулосалар чиқарилади.

Мультииндикатор кластер кузатувларининг натижаларига кўра, мамлакатимизда болалар ва аёллар билан боғлиқ масалалар барқарор ўсишни кўрсатмоқда. Хусусан, юртимизда болалар ўлими камайиб, мактабгача таълим кўрсаткичи кескин ошган. Болалар саломатлиги яхшиланиб, таълим хизматлари барча босқичларда такомиллашмоқда. 2-4 ёшдаги болаларнинг 96 фоизи саломатлиги, ўқиши ва психологик ижтимоий фаровонлиги яхшиланиб, минтақада юқори натижани кўрсатмоқда.

Биринчидан, ушбу натижалар халқимизнинг тиббий маданияти ошиши, наслик касалликларга қарши курашиши, асаб бузилишларидан ўзини асраши, чекиш ва алкоголь маҳсулотлари истеъмолидан воз кечиши каби омиллар билан боғлиқ.

Иккинчидан, аҳолининг саломатлигини тиклаш учун сарфланадиган харажатлари микдори камайди. Чунки одамлар асосий эътиборини касал бўлмасликка қаратмоқда. Ушбу чоралар самарасида аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ҳам узаймоқда.

Олимпларнинг фикрича, соғлом турмуш тарзига риоя қиладиган оилада ўсаяётган фарзанд миқдорини гиппокамп қисмида кучли ривожланиш кузатилади экан. Гиппокамп - миёнининг хотира, мантиқ ва фикрни жамлашга ёрдам берувчи қисми ҳисобланади. Бунга эришиш учун болаларнинг қорнини тўйдирганига эмас, балки зарур витаминлар ва микроэлементларга бой озуқалар билан овқатлантириш лозим экан.

Масалан, Малайзияда ёш оила фарзанд кўрмоқчи бўлса, камида икки йил аввал шифокор билан маслаҳатлашиб, фарзандини соғлом дунёга келтириш, унинг интеллект

туал қобилиятини ривожлантиришга мўлжалланган 20-25 йиллик режа ва "йўл харитаси"ни тузиб, унга қатъий амал қилиб яшаши.

Биз-чи, топган маблағларимизни яшаш тарзимиз, мақсадимизга кўра сарфлаш тартибларини биламизми? Бу бўйича Марказий Осиё мамлакатлари билан Европа давлатларининг қисий таҳлилини келтириш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, минтақамиз мамлакатларида хашаматли уй-жой куриш, машина харид қилишга оила харажатларининг 20 фоизи, Европада эса бунинг учун 15 фоиз ишлатилар экан. Бу ҳолат бизда яшаш шариоитини меъёр даражасида ушлаб туришдан кўра, ўзимизни кўз-кўз қилишга эътибор қаратишимиздан далолат.

Иккинчидан, турли тўй-маросимлар, чой-хона, рестороанлар учун Марказий Осиё мамлакатларида оиланинг 20 фоиз даромади сарфланса, европаликлар бунга атиги 3 фоиз ажратадилар.

Учинчидан, Марказий Осиё фуқаролари спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари учун оила даромадининг 10 фоизини сарфласа, Европада фуқаролари бунинг учун 2 фоиз пул билан чекланади.

Тўртинчидан, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, сифатли таълим, инноваторлик, чет тилларни ўрганиш, компьютер саводхонлигига бизда оила даромадининг 2 фоизи ишлатилса, европаликларда ушбу кўрсаткич 10 фоизни ташкил қилар экан.

Бешинчидан, соғлиқни сақлаш, умрни узайтириш, хотирани мустаҳкамлаш, фикрлаш тезлигини кучайтириш учун минтақамиз мамлакатларида 3 фоиз, Европада 10 фоиз оилавий даромад сарфланади.

Олтинчидан, биздаги оилалар фарзандларининг интеллектуал салоҳиятини кучайтирадиган илгор техника ва технологиялар (Notebook, iPhone, iPad) сотиб олишга 3 фоиз, европаликлар 10 фоиз маблағ ажратади.

Еттинчидан, болаларни хориждаги илгор олий ўқув юртрларида ўқитишга бизда 2 фоиз, Европада 5 фоиз сармоя йўналтирилади.

Саккизинчидан, ёшларнинг мусиқа, санъат, шахмат ва спорт тўғрисидаги қатнаши учун бизда оилавий даромаднинг 3 фоизи, Европада 5 фоиз сарфланади.

Демак, юртимизда соғлом турмуш тарзига риоя қиладиган, интеллектуал салоҳиятли оилаларни кўпайтириш учун ҳали анча ишларни амалга оширишимиз лозим.

Саидхорр ФУЛОМОВ,
ЎзР ФА академиги.
Мамаюнус ПАРДАЕВ,
СамИИСИ профессори.

Вилоятда спорт иншоотларининг ҳолати қандай?

Жорий йил бошида вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси томонидан Самарқандда 1800 дан зиёд спорт иншооти таъмирга муҳтожлиги ва бу иншоотлар манзилли дастур асосида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан босқичма-босқич таъмирланиши айтилган эди. Вилоятда бу борада қандай ишлар амалга оширилди, йил охиригача яна нечта спорт иншооти таъмирланади ва нечта янги объект фойдаланишга топширилади?



Ушбу саволларга вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Шухрат Рўзиевдан жавоб олдик.

- Вилоятда 30 та спорт таълими муассасаси, 5786 та спорт иншооти бор, - дейди Ш.Рўзиев. - Ҳозирги кунда спорт иншоотларининг 4715 таси қониқарли, 1071 таси эса таъмирталаб ҳолатда. Жумладан, Пахтачида 43 та, Пайариқда 7 та, Булунгур-

да 20 та, Каттакўрғон туманида 15 та, Паст Дарғомда 80 та, Ургут туманида эса 30 та спорт иншоотининг ҳолати ёмон. Жорий йил бошидан буён 774 та иншоот таъмирланиб, спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминландилар. Хусусан, Каттакўрғон шаҳри, Тойлоқ, Пахтачи, Каттакўрғон, Ургут, Иштихон, Нуробод ва Булунгур туманларида 16 миллиард сўмлик таъмирлаш

ишлари олиб борилди. Жорий йил охиригача Самарқанд шаҳридаги футбол маҳорат мактабининг 150 ўринли ўқув биноси, Нуробод туманидаги 35, Пахтачидаги 19-мактабларда спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилади ва Нарпай туманидаги 70-мактаб тўлиқ спорт анжомлари билан таъминланади.

2023 йилги инвестиция дастури асо-

Бу ҳаётда шундай манзиллар борки, у ерда яшаётганларнинг юрак кемтигини шоҳона ҳаёт билан ҳам тўлдиролмаймиз. Бу манзиллар меҳрибонлик уйи ҳамда саховат уйи деб номланади. Биз ҳозир уларнинг фақатгина бири ҳақида суҳбатлашамиз. Саховат уйи ҳақида. Эрта тонгдан ҳаммамиз ишга, ўқишга шошилამиз. Фарзандларимиз кўчада, мактабда, боғчада. Ҳаёт шу тарзда бир текис ўтиб кетаверади. Юмушимиз қанчалик кўп бўлмасин, оиламиз билан, фарзандларимиз тарбияси билан ўз вақтида шуғулланишимиз, уларни меҳр-муҳаббат билан улғайтиришимиз ҳамда оилага бўлган маъсулият руҳи билан уларга ўрнатилган бўла олмишимиз керак. "Қуш уясида кўганини қилади", деган нақл бекорга эмас. Фарзандларимиз ота-онага бўлган ҳурмат, эътибор қандай бўлишини биздан ўрганиши керак. Акс ҳолда...

Вилоятдаги "Саховат" уйига бориб, у ердаги яшовчилар билан суҳбатлашарканман, аксариятининг фарзандлари борлиги ва ҳатто улар орасида яшаш шариоитлари яхшилари ҳам талайгина эканини билдим. Келинг, қаҳрамонларимизнинг баъзиларининг сўзларига қулоқ тутаёлик.

- Бу ердаги инсонлар турфа хил тақдир эгалари, - дейди шу ерда яшаётган Ражаб Иномов. - Барчасининг аччиқ ўтмиши, ҳеч кимга айтолмайдиган, аммо ўзи аллақачон тан олган ҳақиқатлари, орзу-армонлари бор. Фарзандларимдан кўрмаган меҳримни шу ердаги ходимлардан, ҳамширалардан кўрдим. Барчаси ширинсўз, ҳафалигимизда, хурсандчилигимизда ёнимизда. Фарзандларимдан ҳафа эмасман. Улар ҳозир узоқда, Россияда яшади. Мен барибир у ёқларда яшай олмасдим.

"Сўнгги манзилга ўз уйимдан кетсам эди..."

Бу ерда яшаётган дўстларим билан жуда қадрдон бўлиб кетганмиз. Бирга саёҳатларга чиқамиз. Шундай шароитлар яратиб берган давлатимизга раҳмат. Оилада фарзандлар бир-бирларига меҳрли, оқибатли бўлишини ўқитиб бориш керак экан. Ҳозирги ёшларга маслаҳатим, кексаларга гамхўрлик қилинглари! Сиз қандай қарийсиз, билмайсиз...

- "Саховат" уйига келиб, ҳаловат топдим, - деб ўзининг синовли тақдир йўллари ҳақида сўзлайди Бувраҳима Шодмонова. - Бу ерга келганимга 20 йил бўлди. Биринчи турмуш ўртоғим вафот этди. Кейин саргардонлик йилларим бошланди. Қариндошларимникида турдим, уларга оғирлигим тушишини хоҳламай, ижарада яшадим. Соғлим эзilib кетди, ёш чоғимда инсулт олдим. Дўхтир ёзиб берган дозларини сотиб олишга менда маблағ йўқ эди. Бунга унга айтганимда, шу ерга келишимни маслаҳат берган. Ўзим ҳужжат тўғрилаб, топиб келганман. Бу ерда иккинчи марта турмуш қурдим. Аллоҳга шукр бахтимиз. Армоним, фарзанд хидини тўлмайдим.

Ота-она фарзандининг келажаги учун жавобгар. Менимча, бу ерга ота-оналар нотўғри тарбия олган фарзандлари туфайли келяпти. Ёшларга илтимосим, ота-онасини қадрласин, вақтида уларга тўйиб-тўйиб олишин. Бу ерда турли воқеаларга гувоҳ бўламиз. Шундай фарзандлар бор, ота-онасини йилда бир марта кўришга келмайди.



Уларни қариган чоғида шу ерга ташлаб кетишди, худди мударатини ўтаган буюмдек. Қалбида қанча алам, азоблар билан фарзандларининг ортиндан термулганча қолаверибди. Юрагим эзilib кетди уларни кўриб, у ерда турли хил экинлар экилади. Хайвонот бурчагига кўй, қуён, парранда боқилди. Буларнинг барчаси кексаларнинг вақтини мазмунли ўтказиши, табиат билан ҳамоҳанглигини таъминлаш учун.

"Саховат" уйи ходимларининг айтишларича, бу ердаги отахон-онахонлар бир-бирларига жуда меҳрибон. Аммо шундай бўлишга қарамай, сўнгги манзилга ўз уйларидан кузатилишини истади. Афсуски, фарзандлар орасида ота-онасининг бу истагини армонга айлантараётганлари ҳам бор экан. Афсус, минг афсус!

Адиба ҚУРБОНБЕКОВА,
СамДУ филология факультети
ноширлик иши йўналиши талабаси.

"Беш ташаббус олимпиадаси":

йил охиригача ғолиб жамоалар маҳалласига спорт майдончалари қуриб берилади

Хабарингиз бор, "Беш ташаббус олимпиадаси"-нинг биринчи мавсумида Самарқанд ёшлари 10 та олтин, 6 та кумуш, 8 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида республикада иккинчи ўринни эгаллади.

Мусобақада ғолиб бўлган иш-тирокчиларнинг эгаллаган ўринларидан келиб чиққан ҳолда 24 маҳаллада (Ургут туманида 6 та, Иштихонда 4 та, Пайариқда 3 та, Нуробод тумани ҳамда Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларида 2 тадан, Оқдарё, Жомбой, Самарқанд, Пахтачи ва Паст Дарғом туманларида биттадан) уч турдаги спорт майдончалари қуриб берилиши керак эди.

Вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Олим Собировнинг маълум қилишича, жорий йил охиригача қадар ғолиб ва совриндор ёшлар маҳаллаларига спорт майдончалари қуриб берилади.

- 24 маҳаллада 5 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилмоқда, - дейди О.Соби-

ров. - Айни кунларда уларда қурилиш ишларининг сўнгги босқичи давом этапти. Ҳозирга қадар 90 фоиз иш бажарилган бўлиб, йил охиригача спорт майдончалари ғолиб жамоалар маҳаллаларига фойдаланишга топширилади.

Олимпиаданинг иккинчи мавсумида 389 минг 393 нафар ёшлар маданияти, санъат, спорт, китобхонлик, ахборот технологиялари йўналишлари бўйича 14 танлов ва мусобақаларда иштирок этмоқда. Ҳозирда мазкур танлов ва мусобақаларнинг маҳалла ва сектор босқичи якунланди. 20 октябрь-4 ноябрь кунлари олимпиаданинг туман (шаҳар) босқичи ҳамда 7-25 ноябрь кунлари худудий босқичи ўтказилди.

Ф.ФАХРИДДИНОВ.

Мулоҳаза

Мен айтмоқчи бўлган воқеа ягона эмас. Минг афсуски, юртдошларимизда ўз ҳаётини тартибга солувчи ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришга, аниқроғи ўз ҳаётига эътиборсизлик учраб туради. Мисол учун яқинда менга бундан ўн тўққиз йил аввал шаръий никоҳдан ўтган икки фарзанднинг ота-онаси никоҳини расмийлаштиришнинг сўраб мурожаат қилишди. Ҳайрон бўлманг, бу бор гап.

Тақдирингизга беъэтибор бўлманг

Аёл (исмини шартли равишда Моҳира опа деб олдим) ҳоласининг қистови билан қўшни вилоятга турмушга чиққан. У фарзанд кўрмай уйига қайтиб келади. Бироқ бу пайтда унинг ота-онаси уйини сотиб, чет элга кетган бўлади. Қўшниси Олия опаникида бироз яшаган Моҳира опа хонадон соҳибининг Олим исмли жияни билан танишиб, бир-бирига маъқул тушиб, турмуш қуради.

Улар икки нафар фарзанд кўришди. Тақдирнинг синовини қарангки, биринчи фарзандлари ногирон бўлиб туғилди. Иккинчи дардининг оғирлиги туфайли улар расмий никоҳдан ўтишни ҳам, болага гувоҳнома олишни ҳам унутишди. Иккинчи фарзанди Алишер туғилганда эса битта-иккита қўшнингнинг нотўғри фикри туфайли яна ҳужжат қилишга эринишди. Вақт эса ўтаверди.

Алишер юқори синфга ўтган, мактабдан вақтли қайтадиган, айрим кунлари мактабга кечроқ борадиган одат чиқарди, асабий бўлиб қолди. Лекин ота-она бунга ўсмирлик қайфияти деб тушунишди. Ваҳоланки, ўқитувчиси унга туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома олиб келишини сўраган. Ота-онаси эрта-индин ФХДёга борамиз, деб ваъда беришган, лекин боришмаган. Муаллим Алишерга қат-

тиқроқ танбех берган, ҳатто онасига телефон орқали тушунтирган. Бола эса нима учун шу пайтгача туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома-си йўқлигидан изтироб чеккан.

Хуллас, Алишер билиб-билмай нотўғри йўлга кирган ўқувчилар гуруҳига тушиб, унинг орқасидан ички ишлар ходимлари излаб келгач, кўп нарса аён бўлди. Яхшиям Алишер бу қинғир ишларга қўшилмаган экан. Шу баҳонада оиланинг барча ҳужжатлари - расмий никоҳи, икки фарзанднинг ҳам туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар қилинди, эр-хотинга уларнинг хатолари батафсил тушунтирилди. Ички ишлар ходимларининг суҳбатлари ҳам ўз фарзандининг юриш-туришидан хабардор бўлган ота-она охир-оқибатда ер чизиб қолиши мумкинлиги тўғрисида бўлди. Бу оила баҳонасида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда унинг фаоллари, хусусан, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича мутасаддиларига тегишли танбехлар, шунинг баробарида бундай камчиликларнинг олдини олиш учун ҳуқуқий тавсиялар берилди.

Инобат БОБОҚУЛОВА,
1-ФХДЁ бўлими мудараси,
халқ депутатлари
вилоят Кенгаши депутати.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

11 ноябрь

Қутбиддин МУХИДДИНОВ - (1906-1983). Ургут туманида туғилган. Шарқшунос, тилшунос олим. Филология фанлари номзоди.

12 ноябрь

Энмарк САЛИХОВ - (1934-2022) Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор.

15 ноябрь

Насиба АБДУЛЛАЕВА - 1961 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон ва Озарбайжон халқ артисти.

MATBUOT UYI

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 371 nusxada chop etildi. Buyurtma 732. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, **REKLAMA VA E'LONLAR:** (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir Lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonani manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: **G'.HASANOV.**

Navbatchi: **G.MO'MINOVA.**

Sahifalovchi: **A.AMINOV.**

Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X

9 772010 667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda